

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил сентябрь ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди, Қўқон шаҳар “Мустақиллик” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ж.Нажимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Ашуровнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Д.Мирзаев, гумон қилинувчи А.А ва унинг ҳимоячиси адвокат У.Убайдуллаев, жабрланувчи Р.Анинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи А.Ага нисбатан 1-1503-2405/782-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

А.А 2004 йил 23 декабрь куни Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар, А.Т.Хўқандий мавзеси, 6-уй, 29-хонадонда яшайди.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчининг ярашиш тўғрисидаги аризасини, иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, гумон қилинувчи ва жабрланувчини содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувини ва томонларни фикрини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, А.А 2024 йил 25 август куни соат 21:50да ўзининг бошқарувида бўлган 40 S 523 NB давлат рақам белгили “GENTRA” русумли автомашинасини Қўқон шаҳар, Давронбек кўчаси худудида жойлашган “Шаффоф” номли АЁҚШ дан ҳаракатланиб бошқариб асосий йўлга чиқаётиб, Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банд кичик “г” банди, 57-банди, 70-банди, 77-банди талабларини қўпол равишда бузиб, ўзини йўналиши бўйича Қўқон шаҳар Чинор таги йўналиши томонга ҳаракатланиб кетаётган велосипедчи 02.07.1962 йилда туғилган фуқаро Алгазиев Рустам Турсунбаевични ўтказиб юбормасдан автомашинани ўнг олди қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада, фуқаро Р.А олган тан жароҳатлари билан шифохолнага ётқизилган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 12.09.2024 йилдаги №5461-сонли хулосасига кўра, Р.Ада қўшалок шикастланиш; бош мия калла ёпиқ шикасти, ўнг томондан тепа ва чакка суяқларини чизикли синиб калла асосига ўтиши билан бош мия ўнг тепа соҳасига пластинка симон қон қуйилиши, бош мия лат ейиши ўрта оғир даражаси, ўнг гаймор бўшлиғи олдинги ва юқори деворлари синиши, кўкрак қафаси тўмтоқ шикасти, ўнг томондан 1-2-қовурғалар синиши, ўнг ўмров суяги ўрта учлиги соҳасидан ёпиқ синиши ва силжиши, бош ўнг чакка ва тепа қопқоқ соҳалари юмшоқ тўқималари лат ейиши ва тери ости гемотомаси каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, бу тан жароҳатлари ҳаёт учун хавфли бўлган ОҒИР жароҳатлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Дастлабки терговда гумон қилинуви А.А ва жабрланувчи Р.А ариза билан муурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Қўқон шаҳар ИИБ терговчисининг 2024 йил 23 сентябрдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи А.Ага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК



266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи А.А судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқдор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи билан бирор-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Р.А судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, А.Ага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарарни қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига мувофиқ жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумонланувчи, жабрланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд тарафидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра суд, гумон қилинувчи А.Ага оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни, шу билан бирга, суд жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

А.Ага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан иш юритишдан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кунлик муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

имзо

Ж.Нажимов

Нусхаси аслига тўғри

